



НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИ ВА АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Абдуназаров Шохрух Акром ўғли

ТМИ катта ўқитувчиси, PhD

E-mail: shohrux_0507@mail.ru

ORCID: 0000-0002-1767-3709

LENDING PRACTICES AND MAIN TENDENCIES BY NON-BANK CREDIT ORGANIZATIONS OF INDIVIDUALS

Abdunazarov Shokhrukh Akrom o'gli

Senior lecturer of TMI, Ph.D

E-mail: shohrux_0507@mail.ru

ORCID: 0000-0002-1767-3709

Аннотация: Мақолада нобанк кредит ташкилотларининг жисмоний шахсларни кредитлаш жараёнлари, ўзига хос хусусиятлари назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган ҳамда тадқиқ этилган. Амалга оширилган ўрганишлар ва таҳлилларга таяниб нобанк кредит ташкилотларида кредитлаш жараёни самарадорлигини ошириш бўйича тегишли таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Глобал даражада иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида ер шарида аҳоли сони ва уларнинг турли хил хизматлар ва истеъмол товарларга бўлган талаби муттасил ортиб бормоқда. Бироқ, жамиятдаги уларнинг асосий қисмини даромад манбалари чекланганлиги, ойлик ва йиллик иш ҳақи маблағлари даражасининг пастлиги ва бошқа объектив-субъектив сабаблар туфайли мазкур хизматлар ва истеъмол товарларни харид имкониятилари бир қадар чекланиб қолади. Бундай ҳолатда, албатта, ушбу тоифадаги аҳоли кредит ташкилотлари, шу жумладан нобанк кредит ташкилотлари молиявий хизматларидан фойдаланишга кучли зарурият сезади.

Ўзбекистон кредит

ташкилотлари ичида жисмоний шахсларга берилаётган кредитларнинг асосий улуши тижорат банклари ҳиссасига тўғри келсада, бироқ кейинги йилларда нобанк кредит ташкилотлари фаолияти ҳам жадал ривожланмоқда. Бунинг боиси, биринчидан, мазкур кредит муассасалари фаолиятини тартибга солувчи ташкилий-ҳуқуқий жараёнлар имкон қадар соддалаштрилаётганлиги бўлса, иккинчидан аҳолининг мазкур йўналишдаги молиявий хизматларга, шунингдек кредитга бўлган талабининг ошииб бораётганлиги ҳисобланади.

Шу билан бирга, мақолада, Ўзбекистонда фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотлари фаолияти, асосий тенденциялари ва амалдаги ҳолати ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган ва тадқиқ этилган ҳамда айрим хулосалар шакллантирилган.

Abstract: In the article, the processes of lending to individuals by non-bank credit organizations, its specific features are theoretically and practically studied and researched. Based on the conducted studies and analysis, appropriate proposals and recommendations were developed to

improve the efficiency of the lending process in non-bank credit organizations.

In the conditions of limited economic resources at the global level, the population's demand for various services and consumer goods is increasing day by day. However, the main part of the population in the society will not be able to purchase these services and consumer goods due to limited income sources, low level of monthly and annual wages and other objective and subjective reasons. In this case, of course, this category of population feels a strong need to use the financial services of credit organizations, including non-bank credit organizations.

Although commercial banks account for the main share of loans to individuals among the credit organizations of Uzbekistan, the activities of non-bank credit organizations are also developing rapidly in recent years. The reason for this is, firstly, that the organizational and legal processes regulating the activities of these credit institutions are being simplified as much as possible, and secondly, the population's demand for financial services in this direction, as well as credit, is increasing.

At the same time, in the article, the activity, main trends and current situation of non-bank credit organizations operating in Uzbekistan and their specific aspects are studied and researched and some conclusions formed.

Таянч сўзлар: *Ўзбекистон, микрокредит ташклот, ломбард, кредит, фоиз ставкаси.*

Key words: *Uzbekistan, microcredit organization, pawn shop, loan, interest rate.*

Кириш. *Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, гиёсий ва гиёқтисодий жараёнларнинг жадал ривожланиши, шунингдек қайсидир*

жиҳатдан таранглашуви шароитида аҳолининг молиявий маблағларга бўлган талаби муттасил ортиб бормоқда. Ўрганишлар, кузатишлар ва таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мазкур жарён келгусида ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб туради.

Мадомики, шундай экан мамлакатимизда ҳам кредит ташкилотлари, хусусан нобанк кредит ташкилотлари хизматларига бўлган талаб келгусида ортиб боради. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишда Ўзбекистон раҳбарияти зарур чораларни кўрмоқда ва ислохотларни амалга оширмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу масалаларга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, «Ўзбекистон - 2030» стратегиясида «Банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробарга ошириш» вазифаси белгилаб қўйилди[1]. Бундан ташқари Ўзбекистонда кредит ташкилотларини ривожлантириш бўйича «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонида «нобанк молиялаштиришнинг янги бизнес-моделларини жорий қилиш» масалаларига алоҳида эътибор қаратилган[2].

Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятига яқинроқ эътибор қаратадиган бўлсак, 2023 йилда уларнинг мажбуриятлари 3,09 триллион сўмга, ипотека кредитларини қайта молиялаш компанияларининг мажбуриятлари эса қарийб икки баробарга ошиб, 3,41 триллион сўмга етди. Бундан ташқари, микрокредит ташкилотларининг капитали 1,8 триллион сўмдан ошди[3]. Бирок, улар томонидан тақдим этилган

кредитлар ҳажми ҳанузгача жуда паст даражада қолмоқда. Масалан, 2024 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари активлари 652,1 трлн сўмни ташкил этган бўлса, соф кредитлари эса 457,8 трлн сўмни ташкил этган, айнан шу санага НКТлар томонидан берилган кредитлар ҳажми 7,5 трлн сўм эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, уларнинг кредитлари улуши сезиларсиз даражани ташкил этаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин¹.

Мақолада нобанк кредит ташкилотларининг кредитлаш жараёнини ташкилий-ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятларини микрокредит ташкилотлар ва ломбардлар мисолида кўриб чиқамиз. Ушбу кредит муассасалари фаолиятини тадқиқ қилишда асосий эътибор уларнинг сони, ҳудудлар кесимида жойлашиши, кредитлар ҳажми, шунингдек уларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинади ҳамда тегишли хулоса ва тавсиялар шакллантирилади.

Материал ва метод. Дунё иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш шароитида нобанк кредит ташкилотларининг кредитлаш жараёнини ривожлантириш билан боғлиқ назарий ва амалий материаллар ва маълумотлар, шунингдек бу борада мавжуд илмий-тадқиқот ишлари атрофлича ўрганилди. Мақолани тайёрлашда таққослаш, кузатиш, иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантикий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

Натижалар. Маълумки, тижорат банклари жисмоний шахсларни кредитлашда, уларга турли хил молиявий хизматларни кўрсатишда жонбозлик

кўрсатиб келмоқда, бироқ масаланинг бошқа жиҳатига эътибор қаратадиган бўлсак, улар, баъзи вақтларда, жисмоний шахсларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини зудлик билан қондириш имкониятга эга эмаслар. Чунки, тижорат банкларида кредитларни расмийлаштириш жараёни, кредит суммаси миқдори бўлишидан қатъий назар, белгиланган босиқичлардан ўтишни талаб этади. Айрим ҳоллардан ушбу жараён 4 иш кунидан 10 иш кунигача чўзилиши мумкин. Молиявий маблағга эҳтиёжи бўлган жисмоний шахсларнинг 4-10 кунгача кутиш имконияти бўлмаслиги, шунингдек, ҳатто, кредит тарихи яхши бўлмаслиги мумкин. Айнан мана шундай ҳолларда нобанк кредит ташкилотлари жисмоний шахсларни қўшимча молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш бўйича муҳим молиявий ташкилот сифатида майдонга чиқади.

Маргерит Робинсоннинг фикрига кўра, микромолиялаш 80-йилларда йирик ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш асосида фойдани шакллантириш, 90-йилларда эса саноат тарихида ривожланиши, 2000 йиллардан сўнг эса йирик микромолиялаш индустрия шаклида амал қилиши баён этилади[4].

Россиялик иқтисодчи олимлардан Г.И.Панаедова ўзининг илмий изланишларида Микромолиялаштириш тушунчасини кенг ва тор маънода очиқ беришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, тор маънода микромолиялаштириш ананавий банк хизматларидан фойдаланиши чекланган кичик бизнес субъектлари ва жисмоний шахсларга 500 АҚШ долларидан 10 000 АҚШ долларигача миқдорда кредитлар бериш, молиявий ва қўшимча ижтимоий хизматларни

¹ Марказий банкнинг Статистик бюллетени асосида муаллиф томонидан келтирилган.

кўрсатиш орқали жамиятдаги ижтимоий кескинликни юмшатишга қаратилган хизматлари мажмуидир дея ифодаласа. Уни кенг маънода кредит беришдан ташқари, жамғарма, суғурта ва бошқа хизматларнинг кенг доирасидир - дея талқин қилади. Микромолиялашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, миждозлар кредит олишда олдинги хўжалик фаолияти натижалари талаб қилинмайди. Янги бизнес бошловчиларга содалаштирилган гаров таъминоти яни учинчи шахс кафиллиги, гуруҳ кафолати микрокредитларни олишида қулайликлар яратади. Кафолатсиз кредитларнинг қайтмаслик кўрсаткичи атиги 2 фоизни ташкил этади[5].

Агар, эътибор берадиган бўлсак, микромолиялаш бўйича ривожланган мамлакатларнинг иқтисодчи олимларининг билдирган таърифлари ва МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларининг тарифлари турлича яни бир бирига мос келмайди. Бунинг сабаби, ХХ-асрнинг 91 йилларига қадар МДХ мамлакатларида микромолиялаш ташкилотлари фаолият юритмагани бунга зарурат бўлмаган[6].

Бирлашган миллатлар ташкилотининг камбағаллик бўйича экспертлар гуруҳи президенти Джонатан Мордюшнинг фикрича, микромолиялаш глобал камбағалликга қарши курашишда энг самарали ва энг кам харажатли воситадир, хусусан унинг фикрича: "Микромолиялаштириш – жамиятда камбағалликка қарши курашда энг кафолатли ва самарали молиявий маблағлар қуйилмасидир[7]".

Самми Карамелланининг фикрича, Микромолиялаш - бу анъанавий банк хизматларидан фойдаланиш имконияти бўлмаган жисмоний шахслар ва кичик корхоналарга мўлжалланган молиявий

хизматлар тоифасидир. Микромолиялаш ташкилотлари деганда камбағал миждозларга кичик кредитлар берадиган микрокредит ташкилотлари тушунилади[8]. Микромолиявий хизматлар кўпинча аҳолининг кам таъминланган қатламларига ўзини ўзи банд қилиши учун, таъминотини яхшилаш учун кўрсатилади. Кейинги йилларда, иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалалар аҳолининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини ошишига сабаб[9]. Шу билан бирга, кредит ташкилотлари жисмоний шахсларни кредитлашда уларнинг ликвидлилик ҳолатига жиддий эътибор қаратиш лозим [10].

Ўзбекистон Республикасининг "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида"ги Қонунида микромолия ташкилоти, ломбард, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти каби молиявий муассасаларнинг иқтисодий моҳиятига расмий жиҳатдан таърифлар берилган.

Хусусан, қонуннинг 3-моддасига кўра, нобанк кредит ташкилотлари таркибига микромолиялаш ташкилоти, ломбард ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари киртилган. Унга кўра, микромолия ташкилоти - микромолиялаштириш фаолиятини ва бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахсдир.

Ломбард - шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкнинг (ашёнинг) закат тарзидаги гарови асосида жисмоний шахсларга қисқа муддатли микроқарзлар беришга доир фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсдир. Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти - молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларни

ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсдир[11]. Айти пайтда ипотека кредитларини қайта молиялаштириш ташкилоти ягона бўлиб, ушбу ташкилот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ташкил этилган[12].

Нобанк кредит ташкилотларининг жисмоний шахсларни кредитлаш жараёни, амалдаги ҳолати ва тенденциялари хусусида тадқиқот ишларини амалга оширишдан олдин “нобанк кредит ташкилот”ларининг иқтисодий мазмунини назарий жиҳатдан атрофлича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Одатда, нобанк кредит ташкилоти (НКТ) - банк операцияларининг айрим турларини тақдим этадиган кредит ташкилотларидир. Шу билан бирга, нобанк кредит ташкилотлари иқтисодиётнинг муҳим молиявий муассасалари ҳисобланиб, улар қуйидаги хусусиятларга эга:

- ҳажми жуда катта бўлмаган микрокредит ва микроқарзлар беради, шунингдек, лизинг хизматларини кўрсатади;

- фаолияти кредит муносабатларига асосланади, яъни иқтисодиётга йўналтирган пул маблағлари қайтаришлик, тўловлилик, муддатлилик, мақсадлилик ва таъминланганлик тамойилига таянилади;

- устав капитали таъсисчиларнинг пай аъзолари ёки

акциялар эмиссияси ҳисобидан шакллантирилади;

- мижозларга жорий ҳисобрақамларини очмайди;

- вакиллик ҳисобварақларига эга бўлмайди;

- талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларни қабул қилмайди.

Нобанк кредит ташкилотлари мижозларга жорий ҳисобварақларини очиш имкониятига эга эмаслиги уларни нақд пулсиз ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатмаслигини англатади.

Нобанк кредит ташкилотлари (НКТ) пул бозорида банкларнинг бир ёки бир неча функцияларини бажаришга ихтисослашади. Улар молиявий қарз сифатида маблағларни жалб қилиш, фойда ва бошқа манбалар ҳисобидан молиявий ресурсларни шакллантириш ва ушбу маблағларни иқтисодиётнинг айрим тармоқ ҳамла соҳаларига, асосон жисмоний шахсларнинг эҳтиёжлари учун йўналтириш орқали фойда олишга қаратилган.

Банклардан фарқли равишда НКТлар ихтисослашган молия операциялари билан шуғулланидилар ва ўз мижозларига эгадирлар. Ўзбекистонда НКТлар сифатида кредит уюшмалари², микрокредит ташкилотлари ва ломбардларни келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистонда нобанк кредит ташкилотлари фаолияти “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти” тўғрисидаги қонун асосида тартибга солинади[11].

Шуни таъкидлаш жоизки, 2023 йил “давомида микромолиявий хизматлар бозорида янги иштирокчи

2 Ўзбекистонда кредит уюшмалари 2006 йилдан бошлаб ўз фаолиятини бошлади ва 2012 йилда фаолиятини тўхтатди.

сифатида 5 та ломбард ҳамда 2 та микромолия ташкилоти ташкил этилган бўлса, 2 та ломбард ва 3 та микромолия ташкилоти реестрдан чиқарилиши ҳисобига нобанк кредит ташкилотларининг умумий сони ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти билан бирга 169 тани, шундан микромолия ташкилотлари 84 та ва ломбардлар сони 84 тани ташкил этди. Худудлар кесимида Тошкент шаҳри - 79 та, Фарғона вилояти - 22 та, Бухоро вилояти -15 та, Тошкент вилояти – 14 та ва Андижон вилоятида - 9 та нобанк кредит ташкилотлари фаолият юритмоқда[13]”.

1-жадвал

Ўзбекистонда микромолиялаш ташкилотларини 2020-2024 йиллар 1 январь ҳолатига худудлар кесимида жойлашиши³

(дона ҳисобида)

Худудлар	2020й.	2021й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.
ҚҚР	0	0	1	1	1
Андижон	2	3	3	4	4
Бухоро	5	7	7	8	8
Жиззах	1	1	1	2	2
Қашқадарё	1	1	1	2	2
Навоний	1	1	1	2	2
Наманган	3	4	5	6	5
Самарқанд	1	1	2	2	2
Сурхондарё	1	1	1	1	1
Сирдарё	1	1	1	1	1
Тошкент	2	4	5	6	6
Фарғона	14	16	18	18	18
Хоразм	4	5	6	7	7
Тошкент ш.	20	21	21	25	25
Жами	56	66	73	85	84

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, мамлакатимизда микромолиялаш ташкилотларининг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Масалан, уларнинг ўсиши худудлар кесимида

Микрокредит ташкилотларини худудларда жойлашиш нуқтаи назардан таҳлил қилганимизда бу масалада нотекс ривожланиш тенденциялари мавжудлигининг гувоҳи бўлдик. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда нобанк кредит ташкилотлари сони, уларнинг худудларни қамраб олганлик ва хизматларга бўлган талабни қондириш даражаси етарли даражада эмас. Қуйидаги жадвалда микромолиялаш ташкилотларининг мамлакатимиз худудларида жойлашиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

асосан Тошкент шаҳри, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Нобанк кредит ташкилотлари ичида ломбардлар ҳам муҳим молиявий муассаса сифатида майдонга чиқади. Ломбардлар – ихтисослашган тижорат ташкилоти бўлиб, асосий фаолияти фуқароларнинг ҳаракатдаги мулклари гарови остида, қисқа муддатли кредитлар бериш ва буюмларни сақлаш билан шуғулланади.

Ломбардларнинг ихтисослашганлик даражасига қараб буюмлар, олтин буюмлар ва автоуловлар гаров сифатида қабул қилинади. Буюмлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида баҳоланади. Ломбард ва кредит олувчи шахс ўртасида тузилган шартнома асосида кредит берилади.

Ломбардларнинг келиб чиқишига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, илк ломбардлар ташкил этилиши XV-асрларга бориб тақалади. Ўша даврларда Францияда асли келиб чиқиши Италиянинг Ломбардия провинциясидан бўлган судхўрлар илк марта мол-мулк


³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

гарови остида кредитлар бериш амалиётини йўлга қўйишган.

“Ломбард” сўзи ҳам худди шу Ломбардия провинцияси номидан келиб чиққан. Ўша пайтларда камбағал одамларнинг ҳам мол-мулк гарови остида кредитлар олишини черков ҳам қўллаб-қувватлайди ва илк ломбардларнинг маблағлари хайрия йўллари билан йиғилган. Черков аралашуви билан ломбардлар берадиган кредитлар фоиз

ставкалари 5%гача туширилган. 16-асрларда Нюренбергда илк муниципал ломбардлар вужудга келган[14].

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ломбардларнинг ҳам жойлашиши бир мунча нотекс жойлашган. Қуйидаги расмда мамлакатимиз ҳудудларида ломбардларнинг жойлашиш ҳолати келтирилган.



1-расм. Ўзбекистонда ломбардларнинг ҳудудлар кесимида жойлашиши[13]
(1 январь ҳолатига, донада)

Расм маълумотларидан кўришиб турибдики, 2024 йил 1 январь ҳолатига ломбардлар сони 89 тани ташкил этган бўлса, уларнинг асосий улуши Тошкент шаҳрига, Тошкент, Бухоро ва Андижон вилоятларига тўғри келган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Қорақалпоғистон Республикасида бирорта ҳам ломбардлар мавжуд эмаслигини кузатишимиз мумкин. Албатта, ломбардлар сони ва хизматлари нуқтаи назаридан деярли ривожланмаган айрим ҳудудлар ҳам борки, ушбу ҳудудларда уларнинг фаолиятини

ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Чунки, ломбардлар ҳам нобанк кредит ташкилотларининг муҳим молиявий бўғини ҳисобланиб, ҳудудда истиқомат қилувчи жисмоний шахсларга турли молиявий хизматларни таклиф этадилар. Молиявий хизматлар хусусида гап кетганда уларнинг активлари ва ҳажми хусусида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Қуйидаги расмда нобанк кредит ташкилотларининг кредитлари ҳажми ҳамда динамикаси келтирилган.



2-расм. Ўзбекистонда нобанк кредит ташкилотлари активлари ва кредитлари ҳажми тўғрисида маълумот[13] (1 январь ҳолатига, млрд сўм ҳисобида)

Расмдан кўриш мумкинки, нобанк кредит ташкилотлари ичида микрокредит ташкилотлари томонидан берилган кредитлар юқори суммани ташкил этмоқда. Шу ўринда, шуни таъкидламоқчимизки, мамлакатимиз кредит ташкилотлари ичида нобанк кредит ташкилотлари кредитлари сезиларсиз улушни ташкил этмоқда.

Мунозара. Нобанк кредит ташкилотларининг жисмоний шахсларни кредитлаш жараёнини тадқиқ қилиш натижасида айрим мунозарали ҳолатларнинг мавжудлигини гувоҳи бўлдик. Хусусан, микрокредит ташкилотлари кредит ҳажми тижорат банклари томонидан берилган кредитларга нисбатан жуда сезиларсиз суммани ташкил этади. Уларнинг сони, бизнинг назаримизда, жуда кам бўлиб, мамлакат ҳудудларида нотекс жойлашган. Шу билан бирга, асосий нобанк кредит ташкилотлари бўғини ҳисобланган ломбардлар сони жиҳатидан, шунингдек уларни шаҳарларда жойлашиши нуктаи назардан ҳам ривожлантиришни талаб этади.

Хулоса. Нобанк кредит ташкилотларининг жисмоний шахсларни кредитлаш жараёнини самарадорлигини

оширишга доир қуйидаги хулосалар ва таклифларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

–келгусида микрокредит ташкилотлар ва ломбардлар сонини ошириш ва уларни мамлакатимиз ҳудудларида жойлашиш нуктаи назардан мувозанатни таъминланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим;

–нобанк кредит ташкилотлари хизматлари ва бизнес модуллари ҳажмини ошириш ҳамда уларнинг сифатини янада яхшилаш мақсадга мувофиқ;

–нобанк кредит ташкилотларининг мамлакат банк хизматлари бозоридаги иштирокини фаоллаштириш, хусусан кредитлар ҳажмини сезиларли даражада ошириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, нобанк кредит ташкилотлари жадал ривожланиб бораётган бўлсада, уларнинг сони жиҳатидан кам, мамлакат ҳудудлари кесимида жойлашиши нотекс ҳамда кредитларни таклиф этиш имкониятлари анча паст даражани ташкил этмоқда. Келгусида аҳолининг молиявий ресурсларга бўлган талабини ортиб бораётганлигини эътиборга олиб, нобанк



кредит ташкилотлари фаолияти масалаларни босқичма-босқич ҳал этиш
доирасида қайд этилган долзарб муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2023 йил 11 сентябрь www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди <https://cbu.uz/oz/>
4. Marconatto D., Cruz L. B., Pedrozo E. A. Going beyond microfinance fuzziness. *Journal of Cleaner Production*.2016;115:5–22. DOI: 10.1016/j.jclepro.2015.12.070
5. Панаедова Г.И. Микрофинансирование в глобальном мире: международный опыт и российские реалии // *Финансы и кредит*. 2007. № 24 (264). С. 2-9. 6.
6. Дўсбоев Ў. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун “ Ўзбекистонда микромолиялаш ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” мавзусида тайёрлаган диссертация иши. -Т.: ТФИ. 2023.
7. Классическое определение, используемое ООН (согласно международной конференции по финансированию развития, 15-19 октября 2001 г., Генеральная Ассамблея ООН)
8. Caramela, Sammi (23 April 2018). "Microfinance: What It Is and Why It Matters". *Business News Daily*. Retrieved 16 February 2019.
9. Climate Change: A Sustainability Effort from Accounting Perspective Erlane K. Ghani Kamaruzzaman Muhammad Akrom A. Omonov *Novel Perspectives of Geography, Environment and Earth Sciences* Vol. 5, 4 March 2023 , Page 18-40 <https://doi.org/10.9734/bpi/npgees/v5/18539D>
10. Akrom A. OMONOV, Kamaruzzaman MUHAMMAD, Erlane K. GHANI. “Factors Influencing Liquidity Creation among Commercial Banks in Uzbekistan: An Empirical Study” *The Journal of Asian Finance, Economics and Business(JAFEB)*, 10권, 1호, 1-8, 2023, 10.13106/jafeb.2023.vol10.no1.0001
11. Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида” ги Қонуни. -Т.: 2022 йил 20 апрель № УРК-765
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолати тўғрисида шарҳи” 2023 йил 4-чорак. <https://cbu.uz/>